

"ТАСДИҚЛАНГАН"
“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Ягона акциядорининг
2019 йил 29 июлдаги 3-сонли
қарори билан

"ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИДА МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ
(ТЎҚНАШУВИ) ВУЖУДГА КЕЛГАНДА ХАРАКАТЛАР ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Тошкент – 2019й.

МУНДАРИЖА

<u>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....</u>	Ошибка! Закладка не определена.
<u>II. УШБУ НИЗОМ ТАЪСИРИ ДОИРАСИДА БЎЛГАН ШАХСЛАР</u> <u>.....</u>	Ошибка! Закладка не определена.
<u>III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР (ТЎҚНАШУВИ) ҚАРАМА-</u> <u>ҚАРШИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ</u>	4
<u>IV. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ (ТЎҚНАШУВИ) КЕЛИБ</u> <u>ЧИҚИШ САБАБИ (ШАРТЛАРИ).....</u>	4
<u>V. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ (ТЎҚНАШУВИ)</u> <u>ОЛДИНИ ОЛИШ</u>	Ошибка! Закладка не определена.
<u>VI. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ (ТЎҚНАШУВИ)</u> <u>ХАЛ ЭТИШ</u>	9
<u>VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</u>	10

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) Уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва Жамиятда юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини (манфаатлар тўқнашувини) аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолиятини амалга оширишда Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар) ва кредиторлар, контрагентлар ва бошқа миждозлар (бундан буён Миждозлар) ўртасида мулкӣ ёки бошқа манфаатлар зиддияти туфайли қарама-қаршиликлар (тўқнашувлар) келиб чиқиши мумкин. Бунда Жамият бошқарув ва назорат органларининг ёки унинг ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамият акциядорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядори, Жамият бошқаруви ва назорат органлари манфаатлари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги (корпоратив қарама-қаршилик) пайдо бўлиши мумкин.

3. Ушбу Низом қуйидаги манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) ҳолатларини ўз ичига олади:

Жамият акциядори (акциядорлари) ва бошқарув органлари ўртасида;

Жамият бошқаруви ва назорат органлари, мансабдор шахслари, Жамият ходимлари ва контрагентлар (миждозлар) ўртасида;

ўзларининг хизмат вазифаларини бажаришда Жамият мансабдор шахслари, ходимлари ва Жамият ўртасида.

II. УШБУ НИЗОМ ТАЪСИРИ ДОИРАСИДА БЎЛГАН ШАХСЛАР

4. Ушбу Низом эгаллаб турган лавозим даражасидан қатъий назар Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига ҳамда жамиятнинг барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

5. Ушбу Низомга риоя қилиш талаблари Жамият билан тегишли фуқаролик-ҳуқуқӣ шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунда уларнинг тегишли мажбуриятлари улар билан тузилган шартномаларда ёки ички ҳужжатларда акс эттирилган бўлиши зарур.

III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ (ТЎҚНАШУВИ) БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

6. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилигишени (тўқнашуви) бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:

реал ва потенциал манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) ҳақидаги маълумотларни мажбурий ошкор қилиш;

хар бир манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) аниқланганда ва унинг ҳал этилишида жамият учун обрӯ-эътибор ҳавфини индивидуал кўриб чиқиш ва баҳолаш;

манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал этиш жараёнининг қатъий махфийлиги;

манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашувини) ҳал қилишда жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда ҳодимлари манфаатлари мувозанатини сақлаш;

ҳодим томонидан ўз вақтида ошкор қилинган ва жамият томонидан ҳал қилинган (олдини олинган) манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) тўғрисида хабар бериш билан боғлиқ ҳолда шахсни таъқиб қилишдан ҳимоя қилиш;

IV. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРИНИНГ (ТЎҚНАШУВЛАРИ) КЕЛИБ ЧИҚИШИ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ)

7. Жамият бошқарув органлари ва акциядор ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолатларда юзага келиш мумкин:

қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик натижасида;

акциядорнинг жамият фаолиятига ва кузатув кегашини томонидан қабул қилинган қарорларига зарурий даражада таъсир кўрсатишга қодир эмаслиги натижасида;

ваколатли бошқарув органлардан розилик олмасдан туриб йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш натижасида;

бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш натижасида;

маълумотни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ошкор қилмаслик ёки жамият бошқарув органлари таркибига кирган шахслар томонидан бошқа ташкилотлар бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари ва бошқа

жамиятларнинг акцияларига (улушларига) эгаллик қилиши тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этиш натижасида;

8. Бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва жамият ўртасида қуйидаги манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) юзага келиши мумкин:

Қонунчилик талабларига, жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик натижасида;

жамият акциядорининг манфаатлари устуворлиги тамойиллига риоя қилмаслик натижасида;

ишбилармонлик муомаласи нормалари ва касб этикаси тамойилларига риоя қилмаслик натижасида;

Жамият, ходимлар ёки бошқа контрагентлар томонидан шартномавий мажбуриятларни бажармаслик натижасида;

қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари билан белгилаб қуйилган ўз мажбуриятларини бажармаслик натижасида.

9. Жамият, мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида қуйидаги ҳолатларда манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) юзага келиши мумкин:

қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларини бузиш натижасида ;

ишбилармонлик муомаласи (мулоқоти) нормалари ва касб этикаси тамойилларига риоя қилмаслик натижасида;

ўзи ҳамда ўзининг оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятини олиб бориш натижасида;

Жамият билан ишбилармонлик муносабатларига киришган бошқа компанияда молиявий манфаатларга эга бўлиш;

бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида раҳбар, мансабдор шахс сифатида иш олтиб бориш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

шахсий манфаатлар туфайли бизнес имкониятларни Жамият манфаатларига зарар етказадиган ҳолда бошқа ташкилотларга тақдим этиш.

V. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ (ТЎҚНАШУВИ) ОЛДИНИ ОЛИШ

10. Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатлари билан манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашуви) олдини олишнинг умумий механизми кўзда тутилган.

Ушбу Низом билан Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари учун мажбурий бўлган манфаатлар қарама-қаршичилигини (тўқнашуви) олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

11. Ҳар қандай манфаатлар қарама-қаршичилигини (тўқнашув) олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдир:

қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, Жамиятнинг устави ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилишга;

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Жамиятнинг барқарор даромаддорлигини таъминлашга;

қарама-қарши (можароли) вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилишдан ва қарор қабул қилишдан сақланишга;

Жамиятни самарали бошқарилишини таъминлашга;

Жамиятни ноқонуний фаолиятга, шу жумладан жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга жалб қилинишига имконият яратмасликка;

товарларни (ишлар ва хизматларни) ишлаб чиқаришда мумкин бўлган энг юқори самарадорликни таъминлашга;

қонунчиликка мувофиқ ҳар чоракда Жамиятнинг бошқарув органларига ҳисобот бериш;

Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга оширишга;

қонун ҳужжатлари ва Жамият уставида белгиланган миқдордан ошиб кетадиган йирик битимларни ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор битимларни Кузатув кенгаши муҳокамасига қиритишга;

аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар тузиш шартларини назорат қилувчи органлар томонидан ўрганилишига;

кузатув кенгаши томонидан қонунчиликка мувофиқ сотилиши мақуullanган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилишга;

аффилиланган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни таъминлашга;

аффилиланган шахслар, жамият акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тартибларининг ишлаб чиқишга ва уларга риоя қилинишини таъминлашга;

жамиятнинг ваколатли органлари томонидан мақулланган йирик битимларни ва аффилланган шахслар билан битимларни тузмасликка;

юқори турувчи органларнинг рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламасликка;

қонунчилик ва Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш;

акциядорлар ва мижозларга, назорат қилувчи органларга ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа нашр этиладиган (эълон қилинадиган) маълумотларнинг тўғрилигини таъминлашга;

жамиятда мавжуд бўлган маълумотлардан ушбу маълумотларга эга бўлган шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланишни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ва такомиллаштиришга;

оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда жамият тўғрисидаги салбий маълумотларнинг ишончилиги ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Хар бир салбий ёки нотўғри маълумотлар пайдо бўлишига ўз вақтида муносабат билдириш;

Жамиятнинг ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлашда иштирок этишга;

Жамиятнинг молиявий ҳолатини бошқариш ва назорат қилиш органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг эришилган натижаларнинг режалаштирилган кўрсаткичларга мос келишидан келиб чиққан ҳолда етарли тўланишини таъминлашга;

касбий ва корпоратив этика қоидаларига риоя қилиш;

12. Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва акциядори ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашув) олдини олиш мақсадида Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдир:

акциядорнинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида, меъёрий ҳужжатларда, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларида белгилаб қуйилган ҳуқуқларини ҳурмат қилишга;

акциядорга қонун ҳужжатларга мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган маълумотларни ўз вақтида етказиб берилишини таъминлашга;

ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўланишига;

низо мавзусига айланиши мумкин бўлган масалалар бўйича кенг камровли маълумотларни акциядорга тақдим этишга;

рақобатдош Жамият акцияларини (улушларни) сотиб олишда, шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этишда Жамият бошқарув органлари аъзоларининг манфаати бўлган битимларни аниқлашга;

қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг объективлиги, мувозанатлилиги ва холислигини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгашига таркибига мустақил аъзоларининг номзодини кўрсатилишини таъминлашга эришиш.

13. Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва акциядори ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашув) олдини олиш мақсадида Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдир:

Жамият тўғрисида маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлашга;

махфий ва бошқа муҳим маълумотлардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлашга;

товарларни (хизматлар) сотишда мижоздан шартномада келишилган миқдорда ёки маълумотлари тўлиқ ошкор қилинган тарифлар бўйича ҳақ олиш;

мижозлар билан жамият обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган битимларни тузилишига йўл қўймасликка;

товарларни (хизматларни) мижозларига сотишни профессионал ва ҳалол тарзда амалга ошириш;

мижознинг аниқ ҳатоси (шу жумладан мижоз томонидан имзоланган ариза, келишув ва бошқа ҳужжатларда ҳато бўлса) вужудга келган вазиятларни ходимларнинг шахсий мақсадларда фойдаланишни истисно қилиш. Бундай ҳатолик юз берган тақдирда, Жамият ходими бундай ҳужжат расмийлаштирилишига йўл қўймаслик учун оқилona ҳаракатларни амалга ошириши ва бу ҳақда мижозга хабар бериши керак;

Мижозга бериладиган тавсиялар ушбу масала бўйича мавжуд маълумотларни холис таҳлилларга асосланганлигини таъминлашга;

Жамият фаолияти давомида яратилган, сотиб олинган ва тўпланган хизмат ёки тижорат сирини ташкил этадиган, қоғоз, магнит ва бошқа турдаги ташувчи қурилмаларда сақланаётган маълумотларни жамият бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахсларнинг розилигисиз сотиш, ўтказиш, нусхалаш, кўпайтириш алмаштириш ва бошқа тарқатиш ва

кўпайтириш предмети (воситасига) айланмаслиги учун ушбу маълумотларни сақлаш тизимини такомиллаштиришга.

14. Хизмат вазифаларини бажаришда мансабдор шахслар, ходимлар ва Жамият ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашуви) олдини олиш мақсадида Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари шунингдек қуйидагиларга мажбурдир:

ишбилармон мулоқотлар қоидалари ва касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

шартномаларни (битимларни) белгиланган тартибда тузиш;

Жамият билан рақобатлашаётган ташкилотнинг улушини (акциясини) сотиб олиш тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёки бошқарув ва назорат органларини хабардор қилишга;

зиддиятли (можароли) вазият пайдо бўлишига вужудга келтирадиган ҳолатларни юзага келганлиги тўғрисида зудлик билан ўзидан юқори лавозимдаги мансабдор шахсга хабар беришга;

Жамият томонидан тижорат фаолиятини амалга оширмақчи бўлган Жамиятнинг мансабдор шахси ёки унинг оила аъзолари жиддий молиявий манфаатдор бўлган ташкилотлар тўғрисида ўзидан юқори мансабдор шахсни ёзма равишда хабардор қилишга;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари жиддий молиявий манфаатдор бўлган ташкилотлар ва Жамият ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир қиладиган ҳар қандай фаолиятдан воз кечишга;

манфааилари Жамият манфаатларига зид бўлиши мумкин бўлган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этишдан олдин Жамиятнинг юқори турувчи органларидан рухсат олишга;

бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш нияти ва таклиф этилаётган иш жамият манфаатларига зид келмаслиги тўғрисида ўзидан юқори лавозимдаги мансабдор шахсга хабар беришга.

VI. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ (ТЎҚНАШУВИНИ) ХАЛ ҚИЛИШ

15. Жамиятда вужудга келган манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашувини) ҳал қилиш учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари, жамият манфаатларига жавоб берадиган қонуний ва оқилона бўлган ечимни топиш мақсадида судгача бўлган тадбирларни амалга оширадилар.

16. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда таркибий бўлинмалар номига акциядорлар ва мижозлар томонидан йўлланган хат, ариза ва талабномаларни (шу жумладан оғзаки) ҳисобга олишни ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлашга мажбурдирлар.

17. Қарама-қаршилиқни (тўқнашувларни) ҳисобга олиш ижро интизомини назорат қилиш учун масъул бўлган Жамиятнинг тегишли бўлинмасига юклатилади. Жамиятнинг ушбу бўлинмаси юридик бўлинма билан биргалиқда корпоратив низони олдиндан баҳолашни таъминлайди, масаланинг моҳияти бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва жамиятнинг Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда уларни ушбу корпоратив низони кўриб чиқиш учун масъул бўлган Жамият органига кўриб чиқиш учун ўтказилади.

18. Жамиятнинг ижро интизомини назорат қилиш учун масъул бўлинмаси тез-тез юзага келадиган низоларни таҳлил қилади, низо юзага келган барча томонларни қўшимча маълумот билан таъминлаш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки сабаларни бартараф этиш мақсадида жамиятнинг ваколатли органи раҳбарига ички тартиб ва кўрсатмаларни ўзгартириш киритиш бўйича чораларни кўриш тўғрисида таклиф киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа манбаалардан низоли вазият тўғрисида маълумот олган ходим бу ҳақда юқори лавозимли мансабдор шахсга дарҳол хабар бериши лозим. Агар низони таркибий бўлинма даражасида ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, бўлим бошлиғи бир иш куни ичида ижроия органи раҳбарига ёкин унинг ўрибосарига низо, унинг келиб чиқиши сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисида маълумот тақдим этиши лозим. Ижро этувчи орган раҳбари ёки унинг ўринбосари низони ҳал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Агар керак бўлса, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун комиссия тузилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар қарама-қаршилиқини (тўқнашувини) ҳал қилиш учун барча чораларни кўради. Агарда манфаатлар қарама-қаршилиқини (тўқнашувини) ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, ижро органи раҳбари ушбу масалани бошқарув муҳокамасига киритади, низо тўғрисида маълумотни кузатув кенгаши раисига юборади.

21. Ушбу маълумотлар низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун кузатув кенгаши ҳузурида тузилган қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.

22. Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган низо тўғрисида маълумотлар уч иш куни ичида низони ҳал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кузатув кенгашига киритилади.

23. Агар низони лўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг мавжуд ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш зарурати туғилса, Кузатув кенгаши ёки ижро этувчи орган ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Жамиятда юзага келадиган ҳар қандай турдаги низони ҳал қилиш бўйича жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагиларга мажбурдир:

манфаатлар қарама-қаршилигини (тўқнашуви) келиб чиқиши ва сабабларини тезкорлик билан аниқлаш;

Жамият бошқарув органларининг ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаб олиш;

низони ҳал қилиш учун жамиятнинг ваколатли шахсини аниқлаш ёки агар лозим бўлса, низони ҳал қилиш учун комиссия тузиш;

низонинг моҳияти бўйича жамиятнинг танлаган позициясини тезкорлик билан аниқлаш, тегишли қарор қабул қилиш ва уни қарши томонга етказиш;

низодаги қарши томонга Жамиятнинг танлаган позициясини аниқ асослаб берувчи тўлиқ ва батафсил жавобни юбориши, низо иштирокчисининг талабини қондиришдан бош тортиш тўғрисидаги хабарни эса қонунчиликка, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга, Жамият Устави ёки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда юбориш;

низони ҳал қилишда қатнашаётган ваколатли шахс томонидан мазкур низо у ёки унинг оиласи манфаатларига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлса зудлик билан хабар қилинишини таъминлаш;

манфаатларига низо таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони ҳал қилиш ва қарор қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаш.

25. Акциядор ва Жамият бошқарув органлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун;

Кузатув кегашининг мустақил аъзоси низони ҳал қилишда воситачи сифатида иштирок этиши мумкин;

ваколатли шахс ёки Жамиятнинг ваколатли органи низолашаётган томонлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорга низога оид ҳужжат ва маълумотларни тақдим этиши, қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва ички ҳужжатлар нормалари бўйича тушунтириш бериши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли органлари ёки ваколатли шахслари акциядорга маслаҳат ва тавсиялар беришади, акциядорга имзолаш учун низони ҳал қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашади, жамият номидан, ўз ваколатлари доирасида акциядор олдида низони ҳал қилишга ёрдам берадиган мажбуриятларни ўз зиммларига олишади;

Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш тўғрисидаги қарорни бажарилишини ташкил қилиш ва низо иштирокчиси билан жамият номидан имзоланган келишувларнинг бажарилишига ёрдам кўрсатиши керак. Низо томони ва жамият ўртасида ўз мажбуриятлари бўйича муҳим тортишувлар бўлмаган тақдирда, лекин уларни бажаришнинг тартиби, усули, муддати ва бошқа шартлари тўғрисида келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, Жамият низода иштирок этувчи томонга юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш бўйича таклиф киритиши ва акциядорнинг талабини қондириш шартларини кўрсатиши шарт.

агарда акциядорнинг талабини қондириш учун Жамиятнинг розилиги ушбу томоннинг қонун ҳужжатларида, уставида ёки жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлса, унда Жамиятнинг жавобида бундай шароитлар тўлиқ кўрсатилиши керак керак, шунингдек уларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар тақдим этилади (масалан акциядор томонидан сўралган ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш учун тўлов миқдори ёки жамиятнинг банк реквизитларини ва ҳ.к.).

26. Ушбу чора-тадбирлар рўйхати тўлиқ шаклланмаган бўлиб, ҳар бир аниқ ҳолатда, манфаатлар тўқнашуви юзага келадиган соҳага қараб низоларни ҳал қилишнинг бошқа шакллари ҳам бўлиши мумкин.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорининг қарори билан тасдиқланади.

28. Агар ушбу Низомнинг баъзи моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ёки жамият Уставининг меъёрлари қўлланилади.